



**МАДАНИЯТ ФАЛСАФАСИДА ШАРҚ ВА ҒАРБ  
МУАММОЛАРИ**

**Виктор Алимасов**

Фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистон ДСМИ профессори

<https://www.doi.org/10.37547/ejsspc-v03-i02-p2-51>

**ARTICLE INFO**

Received: 11<sup>th</sup> February 2023

Accepted: 20<sup>th</sup> February 2023

Online: 21<sup>th</sup> February 2023

**KEY WORDS**

*Маданият, маданиятлар  
парадигмалари, Шарқ, Ғарб,  
этномаданият,  
коммуитаризм,  
спиритуализм, маданиятлар  
интеграцияси,  
индивидуализм.*

**ABSTRACT**

*Мақолада маданият фалсафасида Шарқ ва Ғарб  
масалаларнинг қўйилиши, этномаданий  
парадигмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва  
уйғунлашуви жараёнлари муҳокама қилинади.*

Шарқ ва Ғарб, илмий муаммо сифатида, антик даврдан бери мавжуд. Тарихий манбалар кўрсатадики, "Шарқ" ва "Ғарб" тушунчаларнинг илмий истеъмолга ғарблик антик давр тадқиқотчилари киритган. Қадимги юнонлик ва Қадимги римлик тадқиқотчилар ўзларидан бошқа, четдан келган кишиларни этносларни "варварлар" деб аташган. Геродот ва Плутарх асарларида форсларни "шарқликлар" деб аталишини кўрамиз (1, С.342, 368 ). Кейинчалик Ўрта Ер денгиздан то Япониягача бўлган жуғрофий маконни, худудларни "Шарқ" деб аташ анъанага айланган. Ислом дини тарқалгач, мазкур худудларда яшовчи этносларга нисбатан "шарқликлар", баъзан эса "осиёликлар" атамаси ишлатилган. Ўрта Ер денгизидан Буюк Британия, кейинчалик АҚШ ва Канада худудлари "Ғарб"га киритилган. Мазкур социожуғрофий ёндашув ҳақида баҳслашиш мумкин, аммо бу бошқа мавзудир.

Шарқ маданиятининг қадимийлиги эътироф этилган. Ундаги моддий ва маънавий бойликлар Миср, Бобил, Қадимий Ҳиндистон ва Қадимий Хитой цивилизациялари орқали асосланган ( 2; 3;4). Бугунги илмий адабиётларда асосан ушбу социожуғрофий ёндашув сақланади. Шарқ ва Ғарбни бир биридан фарқлаш ҳам шу тарзда амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда Шарқ маданиятига конфуцийлик, буддавийлик ва ислом билан боғлиқ анъаналар, қадриятлар ва артефактларни, Ғарб маданиятига эса насронийлик, протестантизм, ХУ1 асрдаги Уйғониш ва ХУ11-ХУ111 асрлардаги Маърифатпарварлик даврида яратилган ғоялар, моддий ва маънавий бойликларни киритишади. Таниқли тарихчи, файласуф А.Тойнби уқтирганидек, эр.аввалги 1-минг йилликларда "хайратли тарзда бир биридан узоқ учта--Қадимги Хитой, Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги



Юнонистон цивилизациялари пайдо бўлади" (2,С.97). Уларда алоҳида-алоҳида, аммо моҳиятан гуманистик, бир бирига яқин қарашлар,маданий бойликлар ва этножуғрофий анъаналар, қадриятлар шаклланади.Миллион йиллар давом этиб келган ибтидоий провиденциализм ўрнига инсон ақлу идрокига, тафаккурига ишониш қарор топади. Маданият фалсафасининг генезиси,шаклланиши ва тафаккур маҳсули сифатида эъзозланиши ҳам ўша антик даврга бориб тақалади. Ибтидоий мифология ва политеистик тасаввурлар ўрнига фалсафа ва монотеизм келади. Тўғри, бу ажралишлар бирданига содир бўлмаган, миллион йиллар давом этган ибтидоий қарашларнинг таъсири ҳали кучли эди. Шундай бўлса-да, эр.авв. 1-минг йилликларда инсон ақлу идрокига бўлган ишонч "ҳайратли тарзда" Шарқу Ғарбда мустаҳкам ўрин эгаллайди. Лекин бу ишонч этножуғрофий ва этномаданий белгиларига эга эди. Айнан ушбу белгиларни аксарият тадқиқотчилар Шарқни Ғарбдан фарқлашга асос қилиб оладилар.

Конфуций, Лао Цзи, Сим Цянь, Будда, Нагаржуна, ислом тафаккури тарихи, Ғаззолий, Ибн Рушд, Низомулмулк, мутасаввуф лар, Н.И.Конрад,

А.Мец, Ф.И.Шербатский, СФ.Ольденбург, Ю.К.Шуйский, М.Ганди, С.Радхакришнан, Шри Ауробиндо асарларини ўрганиш лардан келиб чиқиб Шарқ маданиятига хос белгиларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

диний консерватизмга мойиллик; спиритуализм;

коммунитаризм;

традиционализм;

маънавий-ахлоқий императивларга эргашиш;

эволюцион тараққиётга мойиллик.

Дин ўзининг догматикаси, консерватизми билан барқарор воқелик бўлиб келади. Хитойда конфуцийлик, Ҳиндистонда буддавийлик, мусулмон давлатларида исломий қадриятларга эргашиш, уларни этномаданиятлар ядроси сифатида эъзозлаш кучли. Айнан ушбу белгиси учун Гегель Шарқни консерватизмда айблаган эди.

Диний консерватизм мутлақ салбий нарса эмас, инсон томонидан яратилган ҳар қандай бойлик барқарор бўлса ёки ўзида барқарорликни ташиша эъзозланади. Тинмай ўзгарадиган, бир шакл ва мазмундан бошқа шакл ва мазмунга тинмай ўзгариб турадиган нарса кишида қониқиш ҳосил қилмайди. Консерватив-лик мутлақ қоқоқлик эмас, у маданият ядросини эъзозлашга, асрашга ундайдиган анъана ҳамдир. Умуман, маданият барқарор ядроси билан қимматли, авлодлардан авлодларга ўтувчи меросдир.

Шарқ маданиятига хос навбатдаги белги спиритуализмдир. Спиритуализм маънавиятга оид воқеликни англатади, уни спиритизм билан айнанлаштирмаслик керак. Шарқ маданиятидаги спиритуализм диний консерватизм ва маънавий -ахлоқий императивларга таянишда, аждодлар қолдирган маънавий қадриятларни эъзозлашда намоён бўлади. Шарқ халқлари барча нарсаларни, инсон фаолиятини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан баҳолашга одатланган. Ушбу мезонларига мувофиқ келмаган нарсалардан у осон воз кечган, уларни бегона, ёт, бузғунчи билиб, этномаданиятига сингдирмаган. Масалан, XX аср Шарқ учун феминизм асридир. Бу борада қандай ислохотлар ўтказилмади, хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш учун қандай қарорлар, дастурлар ва халқаро платформалар қабул қилинмади,аммо ҳеч бир Шарқ давлати бу борада мақтанолмайди. Ижтимоий ҳаётдаги дискриминация



оилага кўчиб, ўз таъсирини сақлаб қолмоқда. Аммо бу спиритуалистик анъаналарининг ижобий томонлари ҳам борлигини рад қилмайди.

Коммунитаризм аҳил, иноқ, жамоа бўлиб яшаш тарзини англатади. Шарқ маданиятидаги ушбу белги Ғарб маданиятидаги индивидуализмнинг мутлақ аксидир. Масалан, Хитой ёки япон узоқда яшовчи таниши, яқини оғир аҳволга тушиб қолганидан хабар топса, ўзи ҳисобидан меҳнат таътилига чиқади ва ўша таниши, яқини олдига чопади. Ҳиндлар, шу жумладан, ўзбекларда ҳам, қариндош-уруғчилик, жамоавий-лик анъаналари шунчалик кучлики, улар тўй тантаналарини, маросимларини яқинлари иштирокисиз тасаввур этолмайдилар. Ҳаттоки, пандемия даврида ўрнатилган чекловлар ҳам тўй, маросимларни кенг давра билан ўтказиш анъанасини жиловлай олмади. Ўзбек ва тожик халқларидаги хашар, этномаданий анъана сифатида, коммуитар турмуш тарзига оид ибратли мисолдир.

Шарқ маданиятида традиционализм кучли. Традиционализм этномаданий анъаналарни давом эттиришга, маънавий мерос ва бойликларни келгуси авлодга етказишга қаратилгани билан эъзозлидир Академик А.Қаюмовнинг таъкидлашича, "айнан халқ анъаналари ёшларни гўзал, олийжаноб фазилатли қилиб тарбиялашга ёрдам беради, уларда маданий меросга меҳр уйғотади" (5, 10-12 б). Ҳеч қандай маданият, маданий бойликлар ва артефактлар традиционализм таъсирисиз яратилмаган. Традиционализм диахрон алоқалар кафолатидир. Шарқ халқлари ўзининг анъаналарини жон-жаҳди билан ҳимоя қилиши билан Ғарб кишиларидан фарқланиб турадилар. Бу баъзан фанатизм бўлиб кўриниши мумкин. Салмон Рушдининг Муҳаммад пайғамбарни танқидига қарши мусулмон уламоларининг муносабати қандай агрессив намоён бўлгани ибратли мисолдир. Насронийлик асосчилари ва протестантизм тарафдорларини танқид қилганларга эса ғарб кишиси бундай агрессив муносабат билдирмайди. Бу толерантлик маданияти умуминсоний қадриятга айланса С.Хантингтон назарда тутган "маданиятлар тўқнашуви" рўй бермайди. Маданият фалсафасида бу каби масалалар ҳали тадқиқ этилмаган, аммо толерантлик маданияти Шарқ традиционализмини четлаб ўтолмайди.

Шарқ эволюцион ривожланиш тарафдори бўлиб келади. Шарқда жамиятни, кишилар ҳаёти ва онгини революцион тарзда ўзгартиришга оид концепция, таълимот учрамайди. Эволюцион ривожланишни қўллаб-қувватлаш Шарқининг ўзига хос хусусиятга айланган. Ҳа, Шарқда ҳам ижтимоий борлиқни тубдан ўзгартиришга ҳаракатлар бўлган. Бу ўринда Туркияда Ота Турк, Хитойда Дэн Сяо Пин, Японияда Мусихито амалга оширган ислохотларни эслаш мумкин, лекин бу ўзгаришлар этномаданият ядросини рад этмаган. Халқ маданияти ва ҳаётини революцион ўзгартириш, айниқса традиционализм ва эволюцион ривожланишга мойил Шарқ халқлари учун, оғир, фожеали кечиши мумкин. Умуман, маданиятга эволюцион ривожланиш хос, у кескин ўзгаришларни ёқтирмайди. Агар бирор ижодкор ёки файласуф радикал фикрларни билдирса, бу ҳали халқ, маданият шундай революцион ўзгаришга муҳтож, тайёр, деган хулосага олиб келмайди. Маданият, айниқса Шарқ маданияти, ахлоқ, ижод, тараққиёт "етти ўлчаб бир кесиш" принципини ёқтиради, нигилизм, революционизм ва радикализм аксилмаданий воқеликлардир.



Тан олиш керакки, Ғарб маданияти ва цивилизацияси жаҳон тараққиётига катта ҳисса қўшган. Ғарб маданияти таъсиридан чеккадан турган бирор этномаданият йўқ. Маданият фалсафаси Ғарб маданиятининг ушбу экстравертив хусусиятини умуминсонийлик сифатида эътироф этади (6, С.148- 164). Бугун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари эса ушбу таъсир жараёнларини янада кенг ва шиддатли қилмоқда (7, 10-126.). Нима ва қандай жиҳат Ғарб маданиятини бундай мафтункор қилмоқда, деган савол туғилиши табиий ҳолдир. Маданият фалсафаси унга қуйидагича жавоб беради:

Биринчидан, Ғарб маданияти ва тафаккури Фалес, Суқрот, Платон, Аристотель давридан бери эркин, мустақил фикрлаш ва ижод қилишни ўзининг хусусиятига айлантирган. Суқрот диалоглари ва киниклар ҳаёт тарзи ана шундай хусусиятнинг ифодасидир. Кейинчалик улар маданият фалсафасида диалектик ва танқидий фикрлаш усулини қарор топтирдилар. То ҳанузгача бу усул Ғарб маданияти ва тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатади. Қадимги юнонистонликларнинг "ўз ақлингга ишон" даъвати инсон ақлу идрокига, эркин фикрлашига, қизиқишларига мувофиқ ижод қилишида, изланишлар ўтказишида намоён бўлади.

Ғарб маданияти ва тафаккурига беоромлик, тинмай изланиш, ён-атрофдан қониқмаслик, ижтимоий борлиқни узлуксиз такомиллаштиришга интилиш хос. Ғарб маданияти Шарқдагидек шукур ва сабр қилиш, бори билан чекланиш нималигини билмайди. Тинмай изланиш Ғарб кишиси учун Янги даврдан бошлаб ҳаёт тарзига айланади, янги-янги нарсаларни яратиш, кашф этиш унинг фазилатидир. Бироқ бундай беоромлик, мудом муаммолар ва уларга ечимлар излаш, қаноатсизлик руҳий хасталиклар ҳам келтириб чиқариши мумкин ( 8,С.128). Масалан, тинмай изланиш ва яшашга ўрганган немис миллати, халқи ичида руҳий хасталар аҳолининг деярли ўн фоизини ташкил этади. Германия оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларига маблағлар ажратиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Аммо аҳолининг бешдан бири гиподинамия, йигирмадан бири анимия, ишимия, юрак ва ўпка касалликларига мубтало. ( Ўша жойда).Албатта,буларни фақат безовталиқ ва бетиним ижодий изланишлар билан боғлаш мумкин эмас. Лекин маънавий-руҳий безовталиқ киши саломатлигига акс таъсир этмай қолмайди.

Учинчидан, Ғарб маданиятида иррационаллик мутлақ рад этилмаса-да, рационални қўллаб-қувватлаш, илмий-техник кашфиётлар орқали ижтимоий борлиқни такомиллаштириш, модернизациялаш устувордир. Бугун дунёдаги илмий-техник ихтироларнинг 55 фоизи АҚШ, 35 фоизига яқини Европа давлатларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам бугун дунё халқлари Ғарб маданияти ва тараққиётига тақлид қилмоқда. Жаҳон бозорларида "евростандарт" маҳсулотларга талаб катта ва улар юқори баҳоланади. Мазкур ютуқлардан келиб чиқиб, кўпгина мутахассислар этномаданиятлар тараққиётини Ғарб маданияти ва цивилизацияси атрофида бирлашишда кўрадилар.

Тўртинчидан, Ғарб маданиятининг мафтункор жиҳатларидан бири унинг демократик қадриятлар ва бойликларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тарғиб этаётганидир. Ж.Локк, И.Кант, Гегель, И.Бентам, Н.Макиавелли, Ш. Монтескье, Ж.Ж.Руссо, К. Маркс, Э.Кассирер, Б.Констант, Б.Рассел, К.Поппер номлари билан боғлиқ



дунёга тарқалган либерал-демократик ғоялар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги таълимотлар Ғарб маданияти ва тафаккурининг ўлмас бойликларига айланган. Бугун интеллектуал дунё улардан озуқа олмоқда.

Бешинчидан, баъзи ориенталистлар Ғарб маданияти ва ҳаёт тарзида жамият ва инсон муносабатларига салбий таъсир этаётган жиҳатлар борлигини кўрсатадилар. Уларнинг фикрича, Ғарб маданияти ва индивидуализми жамиятни бойлар ва камбағалларга, топқирлар ва нўноқларга, ишбилармон ва ишёқмасларга, буюрувчилар ва хизматкорларга ажратади. Бу жамиятда норозиликлар, антогонистик тўқнашувлар ва революцияларни келтириб чиқаради. Тўғри, салбий кўринишдаги индивидуализм шахснинг маънавий камолотига акс таъсир этади, унда эгоизмни авж олдиради. Мутакаббирлик ғайриахлоқий хислат сифатида жамият билан шахс ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиради. Аммо индивидуализмда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини улуғловчи жиҳат ҳам борлигини унутиб бўлмайди, айнан ушбу жиҳат Ғарб маданиятини ибратли воқеликка айлантирган. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, маданият фалсафаси Шарқ ва Ғарб муаммоларига кўпдан бери эътибор бериб келаётган бўлса-да, улардаги дифференциал ва интеграцион хусусиятларни етарли очиб бермайди. Бугун "Украина фожеаси" атрофида юзага келган ҳарбий тўқнашувлар "маданиятлар тўқнашуви"ни реал воқеликка айлантирган. Бу тўқнашувлар инсоният маданиятини бизга ҳали маълум бўлмаган парадигмал ўзгаришларга олиб келади. Маданиятлар тўқнашуви маданиятлар бирлашувига олиб келиши шарт. Бунда Шарқ ва Ғарб бирлашиб, иттифоқ бўлиб, инсоният тараққиётига оид устувор фикрни айтиши мумкин.

### References:

1. Геродот. История. В девяти книгах.-Москва: Классик-Рипор, 2010.
2. Тойнби А. Постигение истории.-Москва: Прогресс, 1990.
3. Ясперс К. Смысл и назначение истории.-Москва: Республика, 1991.
4. Яковец Л. История цивилизаций.-Москва: Евразия, 1998.
5. Қаюмов А. Бўш вақт ва урф-одатлар.-Тошкент: Ёш гвардия, 1974.
6. Бобоев Ҳ., Ҳамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
7. Ҳожиева М. Жамият ва инсон фалсафаси. -Тошкент: LESSON PRESS, 2021.
8. Жэкобсан С. Демон полуденный.-Москва: Феникс, 2009.